# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 24 ноябрь, № 226 (6409) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## 2015 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2015 ЙИЛ 7 ДЕКАБРЬ ДУШАНБА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2015 йил 5 декабрь шанба дам олиш куни 2015 йил 7 декабрь душанба кунига кўчирилсин;

2015 йил 5 декабрь шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 20 ноябрь

# АНЪАНАЛАР ЭЪЗОЗИ

*Ҳунармандчилик ўзининг бебаҳо тарихига эга. Мустақиллик йилларида ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлашга, ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий анъаналарни асраб-авайлаш, қўлигул усталар учун барча имкониятни тақдим этиш, бу орқали қадриятлар бардавомлигини таъминлаш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони бунда дастурламал бўлиб хизмат қилаётир. Бинобарин, Ўзбекистон Бадиий академияси "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган турли фестиваллар, кўргазмалар, ярмаркалар ва маҳорат мактаблари миллий ҳунармандчилик йўналишлари равнақида алоҳида ўрин тутаяпти.*

ЭЪТИБОР





Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Акбар Раҳимов эл-юрт орасида обрў-эътибор топган ҳунармандлардан биридир. Бугунги кунда Раҳимовлар сулоласини нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам яхши билишади. Негаки, кулоллик санъатида уларнинг ўзига хос ўрни бор. Масалан, Акбар Раҳимовнинг отаси Муҳиддин Раҳимов ўзбек миллий кулоллиги тарихида ўчмас из қолдирган. Уста яратган амалий санъат дурдоналари бугунги кунда хорижий давлатлар музейларида сақланмоқда. Шунингдек, М. Раҳимов Ўрта Осиё санъати тарихи тадқиқотчиси ҳамда анъанавий нақш реставратори ҳисобланади. Уста кулол турли тарихий даврлар кулоллик маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларини тадқиқ қилиб, уларнинг ўзига хос томонларини соҳага татбиқ этган.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форуми

*Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг кимё, нефть-кимё, қурилиш материаллари, электротехника, машинасозлик, фармацевтика каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари қатнашди.*

ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ва Корея Республикаси вақт синовидан ўтган ишончли ҳамкор бўлиб, икки давлат ўртасидаги алоқалар барча йўналишда изчил ривожланиб бораяпти. Бунда савдо, сармоя, экспорт-импорт, ёқилғи-энергетика, кимё, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт, туризм, фан-таълим ва маданият каби кўплаб соҳалар қамраб олингани, айниқса, ўз самарасини бермоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамизда Жанубий кореялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 439 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 75 таси тўлиқ ушбу мамлакат капитали асосида тузилган. Шунингдек, юртимизда Корея Республикасининг 72 та компанияси ваколатхонаси очилган. Натижада томонлар ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йил сайин ўсмоқда. 2014 йилда бу борадаги кўрсаткич 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойида 1,2 миллиард доллардан ошгани ана шундан далолатдир.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон автомобилсозлигига ҳам мустақиллигимизнинг илк йилларида Жанубий кореялик шериклар билан ҳамкорликда асос солинган эди. Бугунги кунда ушбу соҳа мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Ўтган давр ичида, шунингдек, бошқа муҳим соҳаларда ҳам кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинди. Сурғил кони негизида ташкил этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси — шулардан бири. Қиймати қарийб 4 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган мазкур йирик лойиҳа Корея газ корпорацияси (KOGAZ) ҳамда "Lotte Chemical" компанияси кўмагида амалга оширилаяпти.

Форумдан кўзланган мақсад ҳам икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, биргаликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўзаро фикр алмашишдир.

Унда сўзга чиққанлар Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида иқтисодиётнинг барча тармоғи, айниқса, кимё, нефть-кимё, қурилиш материаллари, электротехника, машинасозлик, фармацевтика каби соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида улкан имкониятлар мавжудлигини алоҳида қайд этдилар.

(Давоми 2-бетда).

# Масъулият ва маҳорат — самарали фаолият кафолати

*Нодавлат нотижорат ташкилотлари эркин ва ҳар томонлама самарали фаолият юритишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари шакллантирилгани фуқаролик жамиятининг ушбу институти жадал тараққий этишига, фуқаролар фаоллигининг ўсишига, аҳолини қўллаб-қувватлаш ҳамда бу борадаги ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.*

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Айни пайтда республикамизда 8 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритаётир. Улар эҳтиёжманд қатлам вакилларини манзилли ижтимоий ҳимоялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўсиб келаётган авлодни етук қилиб тарбиялаш, жамиятда аёлларнинг мавқеини янада юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби долзарб йўналишлар бўйича лойиҳаларни самарали рўёбга чиқармоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятларни, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатлашда муҳим омил бўлаяпти, улар инсонларга ўз салоҳиятини намоён этишларида, жамиятда манфаатлар мувозанатини сақлашда кўмаклашмоқда.

Давлат органлари фаолияти очиқлиги тамойилининг қонунчилик билан мустаҳкамланиши, ахборот олиш эркинлиги таъминланиши, ижтимоий шериклик механизмларининг жорий этилиши ҳамда жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги нуфузини, иш сифатини сезиларли даражада оширди. Шунга монанд равишда қонунчиликка амал қилиш, очиқликни таъминлашда жамоат ташкилотларига бўлган талаб ҳам ортди.

Пойтахтимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда ходимларининг молиявий-хўжалик фаолиятини юритиш бўйича профессионал билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди. Тадбир Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан "Norma" малака ошириш маркази, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилди.

Семинар машғулотларида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қатнашди. Мутахассислар тингловчиларга иш юритишнинг ўзига хос томонлари, бухгалтерия ҳисоби, аудит, солиқ тўлаш ва ҳисобот топшириш тартиби, ННТ молиявий фаолиятининг тижорат ташкилотларидан фарқли жиҳатлари хусусида атрофлича маълумот бердилар.

(Давоми 2-бетда).

ИННОВАЦИЯ ВА АМАЛИЁТ

*Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни муфовиқлаштириш қўмитаси, Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда Навоий давлат кончилик институти ҳамкорлигида "Кон-металлургия мажмуаси: ютуқлар, муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари" мавзуида VIII Халқаро илмий-техникавий конференция бўлиб ўтди.*

# Илм-фан ютуқлари — ишлаб чиқаришга

Унда бир қатор хорижий давлатлар ҳамда мамлакатимизнинг илмий тадқиқот муассасалари олим ва мутахассислари, тегишли олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар, ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Маълумки, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигига эришиш муваффақиятлар омилидир. Шу боис бугунги кунда юртимизда корхоналарни илғор технологиялар асосида модернизация қилиш, илмий-техник салоҳиятдан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишларни жадаллаштиришда олимларнинг ишланмалари, электрон мослама ва қурилмалар, айниқса, муҳим аҳамият касб этаётир. Металлургия, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, экология, кимё саноатида улардан кенг фойдаланилаётгани эса ўз самарасини бераяпти.

(Давоми 2-бетда).

# ИЖОДКОР ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

*Пойтахтимизда "Эртанги кун бизники, марра бизники!" шиори остида ташкил этилган Ёшлар ҳафталиги якунланди. Ушбу тадбир доирасида ижодий учрашувлар, мулоқотлар, турли беллашувлар ўтказилди. Уларнинг ҳар бири иштирокчиларга олам-олам таассуротлар туҳфа этди, десак, муболаға бўлмайди. Жумладан, "Тафаккур синовлари" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам юксак савияда уюштирилди.*

ҲАФТАЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ЁИҲ, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий таълим муассасалари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида улкан ўзгаришлар амалга оширилаяпти. Бунинг натижасида республикамизнинг барча ҳудудида бири-биридан кўркам замонавий таълим муассасалари бунёд қилиниб, уларнинг моддий-техника базаси тубдан янгиланди. Таълим сифати юксалиб, фарзандларимизнинг пухта билим эгаллашларига замин яратилди. Ўқув муассасаларида жорий этилаётган турли истиқболли лойиҳалар, ўтказилаётган кўрик-танловлар ҳам ўғил-қизларимиз камолотида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. "Тафаккур синовлари" республика кўрик-танлови ана шундай ташаббуслардан биридир.

Кўрикнинг сўнгги босқичида Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг "Истиқлол", Фарғона давлат университетининг "Сарбон", Урганч давлат университетининг "Ал-Хоразмий ворислари", Тошкент молия институтининг "Истиқлол фарзандлари", Тошкент давлат аграр университетининг "Агроислоҳотчи", Тошкент давлат юридик университетининг "Адолат" жамоалари ўзаро беллашдилар.

Белгиланган шартларга кўра, ёшлар ўзлари таҳсил олаётган олий таълим муассасасидаги ижобий ўзгаришлар, яратилган шарт-шароитлар ҳақидаги фикрлари, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-сиёсий тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир билимлари билан ўртоқлашдилар. Қолаверса, истиқлол даврида эришилган ютуқлар акс эттирилган ижтимоий ролик, бугунги кундаги иллатларга, хусусан, "оммавий маданият"га қарши курашиш, улардан ўғил-қизларимизни асраб-авайлашга қаратилган саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

— Яратилган улкан имкониятлар ҳар биримизни пухта билим олишга ундайди, — дейди Тошкент давлат юридик университети талабаси Дилноза Ўринбоева. — Бу каби учрашувлар кўникмаларимизни мустаҳкамлаш, тенгдошларимиз билан ўзаро фикр алмашиш имконини бермоқда.

Кўрик-танлов якунида Тошкент давлат юридик университетининг "Адолат" жамоаси ғолиб, деб топилиб, ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

Ёшлар ижод саройида Мода ва дизайн фестивали доирасида Ёш дизайнерлар гала-дефилеси ҳамда ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Ҳафталик доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мода ва дизайн кўргазмалари, семинар-тренинглар, маҳорат дарслари юртимизда ушбу соҳа жадаллик билан равнақ топаётгани, истеъдодли ёш модельер ва дизайнерлар етишиб чиқаётганини яна бир карра тасдиқлади.

Тадбирда сўз олганлар эртамиз эгаларининг миллий ҳамда замонавий услубларни ўзида мужассамлаштирган либослар яратишда янгиликка интилиши ва бу борада халқимизнинг қадимий анъаналарига асосланаётганини юқори баҳоладилар.

(Давоми 2-бетда).

# Шаффофлик ва очиқлик

## давлат харидлари тизимида муҳим аҳамият касб этмоқда

АНЖУМАН

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан кичик бизнес субъектларини давлат харидлари тизимига жалб қилишнинг аҳамияти масаласига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада кўрилаётган аниқ чора-тадбирлар натижасида улар иқтисодиётимизнинг барча тармоғида самарали фаолият юритиб, ички бозорни сифатли маҳсулот ҳамда хизматлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини янада оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 7 февралдаги "Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, соҳа вакилларини давлат харидларига жалб қилишнинг соддалаштирилган тизими жорий этилгани улар учун яна бир қулайлик бўлди. Бунда республика Товар-хом ашё биржасида махсус ахборот портали яратилгани айни муддао бўлаяпти.

(Давоми 2-бетда).

# Масъулият ва маҳорат — самарали фаолият кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларига нафақат молиявий, балки услубий, ахборот-ташкилий жиҳатдан кўмаклашиш ҳамда қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими яратилган, — дейди ЎзННТМА ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори О. Ҳусанов. — ННТ жойларда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш учун ташкилот ва корхоналар маблағларини жалб қилишда фаоллик кўрсатмоқда, грант танловларида иштирок этиб, давлат буюртмаларини амалга оширмоқда, ҳомийларни хайрли ишларга ундаяпти. Бу, ўз навбатида, жамоат ташкилотлари ходимларидан мавжуд маблағлардан мақсадли фойдаланиш, ҳамкорлар билан баҳамжиҳат иш олиб бориб, ўз вақтида ҳисоботларни тақдим қилиш каби вазифаларга масъулият билан ёндашишни талаб этади. Бунинг учун улар ўз фаолиятида очиқликни таъминлаши зарур. Бинобарин, молиявий-хўжалик ишларини тўғри юритиш фуқаролар томонидан ННТга бўлган ишончнинг ҳамда давлат органлари билан ижтимоий шерикликни кенгайтириш борасидаги манфаатдорлигининг муҳим мезонларидан бири саналади.

2007 йилда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши давлат субсидиялари, ижтимоий буюртмалар ва грантлар шаклида ушбу институтнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиш механизмларини мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ҳамда Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг таъсис этилиши мазкур тизимнинг фаолият қамрови ортиши ва изчил ривожланишига туртки берди. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш тизимининг янада такомиллашуви ҳудудларда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шерикликда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари шакллантирилди.

—“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунга кўра, ННТ ўз фаолияти натижалари ҳисобини юритиши ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши, статистика ва солиқ органларига ҳисобот бериб бориши керак, — дейди “Norma” малака ошириш маркази ўқитувчиси Л. Хисматова. — Семинарда иштирокчиларни қонунчилик, хусусан, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун талаблари билан таништирдик. Ўтказилган машғулотлар ННТ вакилларининг молиявий саводхонлигини, мустақил равишда молиявий ҳисоб юритиш, очиқликни таъминлаш борасидаги кўникмаларини юксалтиришга хизмат қилади.

— Ҳамкорлар билан тенг ишлашимиз учун қонунчилик талабларига риоя этишимиз, молиявий-хўжалик фаолиятига дахлдор барча жиҳатларни билишимиз даркор, — дейди Тошкент вилоятидаги “Умид нурлари” ННТ директори Н. Мажидов. — Беш кун давом этган семинар машғулотларида кенг кўламдаги фойдали маълумотларга эга бўлдик. Мутахассислар номоддий активлар ва товар-моддий захираларининг ҳисобини юритиш, иш ҳақини, сафар харажатларини қандай ҳисоблаш, ҳамкорлар билан ҳисоб-китоб қилиш, ташкилотнинг кирим-чиқимларини белгилаш тартибини батафсил тушунтирдилар.

Назарий ва амалий машғулотлар якунида тингловчилар олган билим ҳамда кўникмаларини мустаҳкамлаши учун тест синовлари ўтказилди. Очиқ ва амалий руҳдаги мулоқотлар ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди.

Тадбирда тингловчиларга сертификат ҳамда бухгалтерия ҳисоби, аудит, солиқ тўлаш ва ҳисобот топшириш фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш услубларига доир дисклар топширилди. Ташкилотчилар томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларини ахборот-услубий, консультатив, ташкилий-молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚАДРИ УЛУҒ

*Хонадонларимиз файзи ва устуни ҳисобланган нуронийларга иззат-икром кўрсатиш, хайрли ишларни уларнинг дуоси билан бошлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Зотан, ёши улуғ одамларга бўлган эътибор ҳамда ғамхўрлик жамиятнинг маданий даражасини белгиловчи омиллардан биридир.*

**2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ**

Мустақиллик йилларида барча соҳада олиб борилаётган кенг кўламли islоҳотлар инсон ва унинг манфаатлари учун йўналтирилган бўлиб, пировардида аҳолининг турли қатламлари, шу жумладан, кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатимиз Конституциясида ҳам ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга экани қайд этилган.

Эътиборлиси, Кексаларни эъзозлаш йилида уларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, фахрийларга, эҳтиёжманд фуқароларга кўрсатиладиган тиббий ва ижтимоий хизматларнинг сифатини яхшилаш каби эзгу мақсадларга йўналтирилган ишлар яна бир поғона кўтарилди. Президентимизнинг 2015 йил 18 февралдаги “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришда жамиятимизнинг барча аъзоси ташаббус кўрсатаётгани қувонарлидир.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг доимий комиссиялари, умуман, ҳар бир депутат кексаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, пенсия таъминоти ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг ҳудудда бажарилишига кўмаклашиш ва назорат қилиб бориш жараёнларида фаол иштирок этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг жорий йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида”ги, “1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги ҳамда “Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Шунга кўра, вилоятимизда 247 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийси эсдалик юбилей медали билан тақдирланди. 195 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисининг ҳар бирига 700 минг сўмдан пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларининг 158 нафари юртимизда ишлаб чиқарилган телевизор, 200 нафарга яқини мобиль телефон аппаратлари билан таъминланди.

Қарияларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситаларини етказиб бериш билан боғлиқ муҳим чора-тадбирлар ҳам изчиллик касб этмоқда. Чунончи, вилоятдаги нуронийларнинг барчаси тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остидаги саломатлик ҳафталиклари ҳудудларимизда юқори савияда ташкил қилинди. Икки минг юз нафардан зиёд ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар санаторий-соғломлаштириш муассасаларида саломатлигини тиклади. Шу билан бирга, уруш ва меҳнат фахрийларига дори-дармонлар, 300 нафардан ортиқ фуқарога реабилитация техник воситалари ҳамда протез-ортопедия маҳсулотлари берилди.

Дастур доирасида ёши улуғ инсонларнинг турмуш шароитини яхшилашга, уларга кўрсатилаётган маиший хизмат сифатини оширишга ҳам устувор аҳамият қаратилаётир. Ўтган даврда бир минг 700 нафардан зиёд кексалар мебель ва уй-рўзғор буюмлари, иссиқ кийим-кечаклар билан таъминлангани бунинг далилидир.

Кексаларнинг мароқли ва мазмунли дам олиши учун шаҳар ҳамда туманлардаги 17 та маданият ва истироҳат боғида ҳордиқ масканлари ташкил қилинди. Мазкур масканларда қарияларимизга шахмат, шашка ҳамда стол тенниси билан шуғулланиш имконияти яратилди.

Депутатлар томонидан кекса отахону онахонлар учун тиббиётчилар, психологлар, ижтимоий таъминот тизими ходимлари, ҳуқуқшунослар иштирокида учрашувлар ўтказиб келинаётгани ҳам айни муддао бўлмоқда. Бу тадбирларда соғлом турмуш тарзи, руҳий баркамоллик ва жисмоний фаоллик, юртимизда барча соҳада амалга оширилаётган янгиланишлар ҳақида батафсил маълумотлар берилаяпти.

Шуниси аёнки, ҳар бир давлатнинг салоҳияти наинки иқтисодий юксалиш ва мудофаа қобилияти билан, балки унда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, ижтимоий-маънавий муҳит, ўсиб келаётган авлодни қўллаб-қувватлаш баробарида, кексаларга эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатиш соҳасидаги ислоҳотлар қамрови билан ҳам ўлчанади. Бугун бири-бирига уланиб кетаётган хайрли ишлардан мамнун бўлиб яшаётган нуронийларимиз тимсолида юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари нечоғли устувор эканлиги ёрқин намоён бўлмоқда.

**Шоҳида ОРИПОВА,**
**Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.**

# Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форуми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чет эллик мутахассисларга Ўзбекистоннинг иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти, кейинги йилларда эришилаётган ютуқлар, хорижий инвесторларга тақдим этилаётган имтиёзлар ҳақида маълумотлар берилди. Ўз навбатида, Корея Республикасининг 40 дан ортиқ компаниялари раҳбарлари юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳитини юқори баҳолар экан, жумладан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Жиззах” ва “Ангрен” махсус индустриал зоналаридаги шарт-шароитлар катта қизиқиш уйғотганини мамнуният билан айтишди.

Томонлар савдо-саноат, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё, юқори технологиялар, қурилиш материаллари саноатидаги алоқаларни янада кенгайтириш, биргаликда ўзаро фойдали сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Шу куни Ўзбекистоннинг бир қатор компания ва корхоналари ҳамда Жанубий Корея ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида Кооперация биржаси бўлиб ўтди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Шаффофлик ва очиқлик

## давлат харидлари тизимида муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ҳозирги кунда мазкур портал юртимиз ишбилармонларининг асосий савдо майдонига айланган, — дейди Молия вазирлиги Ғазначилиги бош мутахассиси Жасур Умаров. — Буни давлат харидлари бўйича ўз товар ва хизматларини етказиб бериш учун аккредитациядан ўтган кичик бизнес субъектлари сони муттасил ўсиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Яъни 2015 йилнинг тўққиз ойида уларнинг умумий сони 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,7 баробар кўпайиб, давлат харидлари иштирокчилари умумий сонининг 98,1 фоизини ташкил этди.

Таъкидлаш керакки, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат харидлари бўйича ҳукумат комиссияси тузилган. Молия вазирлиги Ғазначилиги унинг ишчи органи ҳисобланади. Мазкур орган томонидан давлат харидлари тизимини босқичма-босқич ривожлантириш, унинг қонунчилик базасини такомиллаштириш мақсадида изчил ишлар олиб борилаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, харидларнинг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш механизмлари жорий қилинди. Пировардида республика ва маҳаллий бюджетлар маблағларини сарфлашда самарадорликка эришилиб, товарлар бозорида соғлом рақобат муҳити юзага келгани қувонарлидир.

Тадбирда, шунингдек, давлат харидлари тизимида кичик бизнес субъектларининг устуворлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

# ИЖОДКОР ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).




Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА) олган сурат.

Ушбу фестивалнинг “Мода лабораторияси” номинациясида Регина Юсупова, “Дебют” йўналишида Эльвира Мустафина, “Театр либоси” номинациясида Ўғилой Азимова, “Халқ либоси” йўналишида Гўзал Қутпуллаева биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

“Энг яхши рангтасвирчи”, “Энг яхши ҳайкалтарош”, “Энг ёш рассом”, “Энг яхши ҳунарманд”, “Энг ёш амалий санъат рассоми”, “Энг ёш санъатшунос”, “Энг яхши либос дизайни”, “Энг яхши халқ костюми” йўналишларида ҳам иқтидорлар тақдирланди.

Шунингдек, “PROlogue” — ёш киноижодкорларнинг қисқа метражли фильмлари фестивалининг тантанали ёпилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан профессионал ва ҳаваскор киноижодкорлар томонидан тақдим этилган 55 та фильм кўриб чиқилиб, улардан йигирматаси фестиваль асосий дастурида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Фестиваль доирасида “Қисқа метражли фильм — ёш киноижодкорлар учун маҳорат мактаби” мавзуида давра суҳбати, махсус эффектлардан фойдаланиш ва 3D-технологияси асосида фильмлар суратга олиш бўйича хорижлик мутахассислар иштирокида тақдимотлар, Ўзбек кино санъати музейида очиқ эшиклар куни, замонавий киноиндустрия кўргазмаси, ёш киноижодкорлар томонидан тасвирга олинган турли жанр ҳамда мавзудаги энг сара қисқа метражли филмлар намойиши иштирокчилар учун катта тажриба вазифасини ўтади.

Якунда “Энг яхши қисқа метражли бадиий фильм” учун бош соврин, шунингдек, “Энг яхши сценарий”, “Энг яхши режиссёрлик иши”, “Энг яхши операторлик иши”, “Болалар мавзусидаги энг яхши сценарий”, “Болалар мавзусидаги энг яхши режиссёрлик иши”, “Болалар мавзусидаги энг яхши операторлик иши” каби номинациялар бўйича ғолиблар номи эълон қилинди.

Мамлакатимизда ёшлар туризмини ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилишга қаратилган “Янги нигоҳ” видеороликлар танлови ҳам ёш истеъдодларни кашф қилгани билан катта аҳамиятга эгадир.

Таъкидлаш керакки, мазкур танлов видеороликлар ёрдамида республикамизнинг туризм салоҳиятини юртдошларимиз ҳамда хорижликларга етказиш, ўғил-қизларимизда ватанпарварлик, бунёдкорлик ва янгиланишларга нисбатан фахр туйғуларини шакллантириш, юрт тарихига қизиқиш ва ҳурмат уйғотиши билан алоҳида диққатга сазовордир.

Танловга тақдим этилган “Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик”, “Ўзбекистоннинг экотуризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик”, “Миллий қадрият ва урф-одатларни тарғиб этишга қаратилган энг яхши видеоролик”, “Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тўғрисидаги энг яхши видеоролик” номинацияларидаги ижодий ишларда ёшларимизнинг юртимиз тарихи, маданияти ва санъатига бўлган юксак ҳурмат ҳамда эҳтиром туйғулари, янгича қарашлари ўз аксини топган.

Фестиваль якунида “Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик” номинациясида Тошкент вилоятилик Усмон Самуғжонов “Ўзбекистонга хуш келибсиз!” ижодий иши билан, “Ўзбекистоннинг экотуризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик” номинациясида Тошкент шаҳрилик Музаффар Тошев “Зираворлар фестивали” ижодий иши билан, “Миллий қадрият ва урф-одатларни тарғиб этишга қаратилган энг яхши видеоролик” номинациясида хоразмлик Нилуфар Аҳмедова “Лачак тўйи” ижодий иши билан, “Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тўғрисидаги энг яхши видеоролик” номинациясида эса навоийлик Хуршид Сафаров “Жонбулоқ” ижодий иши билан биринчи ўринга сазовор бўлди.

Навқирон авлод байрамига айланган Ёшлар ҳафталиги ниҳоясига етди. Унда турли соҳаларда ижод қилиб келаётган йигит-қизларимизнинг юксак салоҳияти, иқтидори кенг намойиш этилди. Буларнинг барчаси, ҳақиқатан ҳам, эртанги кун, марра ёшларники эканлигидан далолатдир.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Илм-фан ютуқлари — ишлаб чиқаришга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Анжуманда илмий тадқиқот ва илмий-техникавий ишланмаларимизни иқтисодиётнинг турли соҳаларига татбиқ этиш юзасидан фикр алмашиш баробарида, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада кенгайтириш юзасидан бажарилган тадбирлар натижаларини ҳам муҳокама қилдик, — дейди Навоий давлат кончилик институти проректори Б. Муҳиддинов. — Қувонарлиси, ҳозирги кунда бизнинг илмий лойиҳаларимиз Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати, “Навоийазот”, “Қизилқумцемент”, Навоий иссиқлик электр станцияси, “Аммофос-Максам” сингари саноат корхоналарида қўлланилмоқда.

— Тадбир давомида Навоий давлат кончилик институтида бажарилаётган фундаментал, илмий-амалий ва инновацион ишланмалар билан ҳам яқиндан танишдик, — дейди Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг ўқув ишлари бўйича проректори Андреа Де Марки. — Бундай илмий учрашув ҳамда тадбирлар ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эгадир.

Конференцияда иштирокчилар кон-металлургия саноатининг турли йўналишларига оид маърузалар тинглашди, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида саноат корхоналари учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Олий суднинг янги веб-сайти

*Ўзбекистон Республикаси Олий судида “Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари” китоби ҳамда Олий суд янги веб-сайтининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

ТАҚДИМОТ

Тадбирда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, соҳага оид қонунчиликни либераллаштириш, тизимни бугунги кун талаблари даражасида демократлаштириш ҳамда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва пировардида инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида рўёбга чиқарилаётган ишлар юқори самара бераётганлиги алоҳида таъкидланди. Шуларга мос равишда суд ҳужжатларини тузиш ва расмийлаштиришнинг муайян қоидалари яратилди. Соҳа ислоҳотларининг ҳозирги босқичида суд ҳужжатларини тўғри чиқариш ҳамда расмийлаштириш, суд ҳужжатлари матнини имло қоидаларига риоя қилган ҳолда ифода этиш, чиқарилаётган суд ҳужжатларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш, процессуал норма ва қоидаларга риоя қилиш муҳим ҳисобланади. “Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари” қўлланмаси ана шу мақсадларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

— Мазкур амалий-услубий қўлланма бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси М. Назаров. — Унда жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари тушунчаси ҳамда турлари, уларнинг мазмуни, ҳуқуқий асоси, суд ажримлари турлари, уларнинг мазмуни ва чиқариш тартиби, судга қадар иш юритиш босқичида ҳамда биринчи ва юқори инстанция судлари иш юритиш босқичларида чиқариладиган суд ҳужжатлари, хусусий ажримлари, уларни чиқариш ҳамда расмийлаштириш тартиблари амалдаги қонунлар, Олий суд Пленумининг қарорлари асосида атрофлича ёритилган. Шунингдек, суд ҳужжати намуналарига ҳам кенг ўрин берилганки, бу нафақат судьялар, айни чоғда соҳа олимлари ва тадқиқотчилар ҳамда фуқаролар учун фойдалидир.

— Бугунги замон ахборот-коммуникация технологияларидан янада самарали фойдаланишни талаб этмоқда, — дейди “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси вакили А. Назаров. — Фойдаланувчиларга ахборот ҳамда маълумотларни тез ва қулай тақдим этишда электрон оммавий ахборот воситаси сифатида веб-сайтларнинг ўрни ҳамда аҳамияти ортиб бораяпти. Шу талаблар асосида Олий суднинг янги веб-сайти яратилди. Унда қатор афзалликлар мавжуд. Интернет-қабулхона, электрон кутубхона, умумий юрисдикция судларининг интерактив харитаси, бўш лавозимга ҳужжатлар топшириш ва бошқа хизматлар ана шулар жумласидандир.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АНЪАНАЛАР ЭЪЗОЗИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда Тошкент кулоллар сулоласининг бешинчи вакили Акбар Раҳимов ва унинг фарзанд ҳамда шогирдлари аждодлар анъанасини фаол давом эттирмоқдалар. Акбар ака атоқли рассом-кулол сифатида ном қозонган. Унинг асарлари Ўзбекистондан ташқари, Германия ҳамда бошқа давлатлардаги нуфузли музейларда сақланади. Шунингдек, қатор халқаро кўргазмаларда намойиш қилиб келинаётир.

— Дарҳақиқат, юртимизда ҳунармандчиликни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда, — дейди уста-кулол А. Раҳимов. — Турли тадбирлар сабаб бир қанча хорижий мамлакатларга борган киши сифатида айтаманки, бундай ғамхўрлик ҳеч қайси мамлакатда йўқ. Юртимизда ҳар бир вилоят ўзининг кулоллиги, технологияси, усталарига эга. Назар солсангиз, уларнинг ранг-баранглигидан ҳайратга тушасиз, халқимизнинг санъатга бўлган меҳри баланд эканлигини тушунасиз. Кулолликнинг йўқолиб кетган Ғиждувон, Шаҳрисабз, Риштон мактаблари қайта тикланди. Ёшлар орасидан ҳунарманд бўлишга орзумандлар кўпайди. Ваҳолонки, бундай кунларни бир пайтлар орзу қилиб ҳам бўлмас эди. Яхши эслайман, отамнинг устахонаси икки метр жойдан иборат бўлиб, эркин ишлашнинг мутлақо иложи йўқ эди. Қанийди, шароит бўлса-ю, бемалол, дилдан меҳнат қилсак, деб ният қилардилар. Истиқлол туфайли отамнинг орзулари биз, фарзанд ва набиралари, шогирдлари тимсолида ушалди. Бизга эмин-эркин, ўзимиз истагандек роҳатланиб ишлашимиз учун шароит яратиб берган Юртбошимизга минг раҳмат.

Машҳур устанинг ўғли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Алишер Раҳимов болалигиданоқ оилавий кулоллик санъати сирларини ўргана бошлади. Бугунги кунда Алишер отаси ва бобосининг тажрибасига таянган ҳолда, ўзбек сопол буюмлари санъатининг ўзига хос тарихий йилномасини яратиш устида изланмоқда. Бундан ташқари, у Тошкентда қадимда машҳур бўлган, бир пайтлар унутилган “қошғарий” услубини қайта тиклашга эришди. Ёш кулол тайёрлаган асарлар Франция, Германия ва Японияда ўтказилаётган турли кўргазмаларда муваффақиятли намойиш этиб келинмоқда.

— Ҳунарманд бўлишни болаликдан орзу қилардим, — дейди Алишер Раҳимов. — Отамдан соҳанинг жуда кўп жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилдим. Мустақиллик туфайли миллий ҳунармандчилигимизни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Бундан оқилона фойдаланиб, тарихий анъаналарни давом эттириш баробарида, янгича услублар яратиш устида ҳам изланмоқдамиз.

Айни пайтда Акбар Раҳимовдан кулоллик сирларини юз нафардан зиёд шогирдлар қунт билан ўрганмоқда. Шаҳрисабзлик Рустам Музаффаров — шулардан бири.

— Халқимизнинг миллий ҳунармандчиликка оид анъаналарини чуқур ўрганиш истагида эдим, — дейди у. — Устозим Акбар Раҳимов бу борада катта кўмак берди. Ҳозир эса ўз устахонамни очиб, қишлоғимиз ёшларига мазкур бебаҳо санъатнинг сир-асрорларини ўргатаяпман. Ҳунармандлигимдан, қадриятлар эъзозланган юрт фарзанди эканлигимдан беҳад фахрланаман.

Пойтахтимизнинг Кўкча Дарбоза кўчасидаги 15-уйга борсангиз, ғаройиб оламга тушгандек бўласиз. Зеро, бу хонадоннинг бир тарафида кулол Раҳимовлар сулоласининг уй-музейи, иккинчи тарафда кўргазма заллари, яна бошқа томонда эса издошлар меҳр ва қунт билан ишлаётган устахонага кўзингиз тушади. Турли кўзалар, сопол лаганлар, турфа шакл ҳамда ҳажмдаги идишлар, уларга ишланган бетакрор суратлар эса нафақат юртошларимиз, балки хорижликлар диққат-эътиборини ҳам ўзига тортмоқда. Энг муҳими, юртимиздаги ҳунармандлар яратилган шароитлар туфайли улкан муваффақиятларга эришаётганлигига, ҳунар ортидан бахту саодат топаётганлигига амин бўласиз.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАСУРЛИК, ҒАЙРАТ, ШИЖОАТ

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ёшларимизда ана шундай фазилатларни камол топтиришга ҳисса қўшмоқда.

*Мардлик ва жасорат, ғайрат-шижоат инсон шаънини юксакликка кўтаради. Шу боис ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, она-юртга садоқат руҳида тарбиялаш жараёнида уларда мазкур фазилатларни камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилади.*

## МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

Бунда таълим-тарбия муассасалари билан бир қаторда, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Хусусан, бугунги кунда мазкур муассаса ва унга қарашли таълим масканларининг ўқув-спорт техника клублари келажагимиз эгаларининг баркамол бўлиб улғайишларига хизмат қилмоқда.

Чунончи, ташкилотнинг Жиззах вилояти Кенгаши томонидан маънавий-маърифий йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ўтказилаётган машғулотларда қатнашаётганлар сафи йил сайин кенгайиб бораётгани бизни қувонтиради. Бунда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳарбий қисмлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик қўл келаётир. Қолаверса, халқ хўжалиги учун ҳайдовчи мутахассисларни ўқитиш ва йўл ҳаракати бўйича қайта тайёрлаш ишлари жойлардаги ўқув-спорт техника клубларимизнинг асосий фаолият йўналишларидан биридир. Уларда ҳудуд аҳолиси техникани бошқариш ва унга хизмат кўрсатишга доир билим ҳамда кўникмаларни эгаллашаяпти. Бунинг учун барча шарт-шароит яратилган. Умуман, ўтган йили Кенгашимиз тасарруфидаги ташкилотларнинг ҳайдовчилик курсларини 2716 нафар фуқаро тамомлади. Жорий йилда эса 51 гуруҳда машғулотлар давом эттирилмоқда.

Энг муҳими, ўтган қисқа даврда "Ватанпарвар" йигитларимиз учун ҳақиқий чиниқиш ва шижоат мактабига айланди. Шу боис ҳар йили чақирув ёшидаги ўғлонларимизни муассасаларимизга ҳарбий-техник мутахассислик бўйича тайёргарликдан ўтишлари учун саралаб оламиз. Ўқув гуруҳлари шакллантирилгач, йигитлар машғулотларни Жиззах автомобиль мактабида давом эттирадилар. Ҳозирги кунда ушбу мактабда "В" ва "С" тоифали ҳарбий-техник мутахассислар тайёрланаяпти. Бинобарин, жойлардаги клубларимизда биатлон, пневматик милтиқдан ўқ отиш, картинг сингари тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Уларга тажрибали спорт йўриқчилари ва мураббийлари жалб қилинган. Бундай машғулотлар самараси, табиийки, спортчиларимизнинг турли беллашувлардаги ютуқларида кўзга яққол ташланади. Масалан, жорий йил бошида Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган автокросс мусобақасида вилоят терма жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллади. Шу йили спортнинг техник ва амалий турлари бўйича Қарши шаҳрида ташкил этилган дуатлон, Термиз ва Навоий шаҳарларида бўлиб ўтган триатлон беллашувларида эса жиззахлик Зуҳра Воҳитова ғолибликка эришди. Шунингдек, ўтган йили уч кишига спорт усталигига номзод, икки кишига спорт устаси ҳамда бир нафар вакилимизга халқаро тоифадаги спортчи унвонлари берилди. Албатта, бундай муваффақиятларга эришишда Кенгашимиз тасарруфидаги 21 спорт секциясининг ўрни беқиёс.

Биз мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш йўлидаги шарафли ва масъулиятли вазифага бундан кейин ҳам ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

**Хайрулла АТАЕВ,**
**Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Жиззах вилояти Кенгаши раиси.**




*Канаданинг "Bombardier" компанияси поезд ишлаб чиқарувчи бўлинмасидаги улушининг 30 фоизини йирик акциядорларидан бири — Квебек провинцияси Пенсия жамғармасига 1,5 млрд. АҚШ доллари эвазига сотди.*

## Акцияларини сотди

Бу ҳақда "Bloomberg" ахборот манбаси хабар тарқатди. Гап шундаки, октябрь ойида Квебек маъмурияти мазкур корхонага "CSeries" русумидаги ихчам самолётлар етказиб бериш лойиҳасини амалга ошириши учун 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритганди. Аммо унинг рўёбга чиқарилиши анча чўзилиб, молиявий қийинчиликлар юзага келди. Қолаверса, "Bombardier"нинг акциялари қиймати йил бошидан буён 69 фоиз пасайган.

## Планетанинг туғилиши

*Халқаро астрономлар гуруҳи биринчи марта улкан экзопланетанинг туғилиш ҳодисасига гувоҳ бўлдилар.*



Олимлар Чилидаги Лас-Кампанас расадхонасида замонавий телескоп орқали бузоқ буржидаги юлдузлардан бирини кузатаётганда, ана шу жараён рўй берган. "Nature" илмий журналида чоп этилган мақолада бу ҳақда батафсил ҳикоя қилинади.

— Бу ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган илк планетанинг кашф этилишидир, — дейди мутахассислардан бири Кейт Фоллет. — У газ ва чанг тўзонлари ҳамда бошқа моддалар қоришмасидан ҳосил бўлмоқда.

## Кутилмаган ихтиро

*Германиянинг турли аксессуарлари билан жаҳонга машҳур "Montblanc" компанияси томонидан минтақалар вақтини кўрсатиб турувчи ручка ишлаб чиқарилди.*



"StarWalker World Time" номи берилган ушбу ёзув қуроли корпусига жаҳон харитаси ҳамда вақт ўлчови лазер ёрдамида ўйиб туширилган. Керакли минтақадаги соатни билиш учун ручка пойнагини бураш кифоя.

## Савдо ҳажмининг пасайиши

*"Windows" смартфонларининг дунё бозоридаги қиймати, гарчи янги операцион тизим ("Windows 10") чиқарилган бўлса-да, деярли икки баробар арзонлашди.*



"Gartner" тадқиқот маркази маълумотига кўра, шу йилнинг учинчи чорагида ушбу турдаги мобиль алоқа воситаларидан 5,87 миллион дона сотилган. Ваҳолонки, ўтган йили бу кўрсаткич 9 миллионта эди.

Смартфонлар бозорида жаҳон бўйича "Samsung", "Apple" ва "Huawei" компаниялари етакчилик қилмоқда.

## Энг илиқ ой

*1880 йилдан бери олиб борилаётган метеокузатувлар тарихида шу йилнинг октябри энг илиқ ой деб топилди.*

Мутахассислар бунда Эль-Нино (Тинч океанининг юза қисмидаги ҳароратнинг кескин кўтарилиб кетиши) ҳодисаси катта омил бўлганини таъкидлашмоқда.

Эслатиб ўтамиз, яқинда иқлим муаммоларига бағишлаб ўтказиладиган конференцияда қатнашадиган икки юзга яқин давлат атмосферага карбонат ангидрид газини чиқариш ҳажмини қисқартириш бўйича келишувга эришиши кутилаётир.

## Профессионал спортдан четлаштирилди

*Лозаннадаги Халқаро спорт арбитраж суди испаниялик машҳур енгил атлетикачи Марта Домингесни уч йилга профессионал фаолиятдан четлаштирди.*

Бундан ташқари, уни 2009 йилги жаҳон чемпионатида қўлга киритган олтин ва 2010 йили бўлиб ўтган Европа биринчилигидаги кумуш медалидан маҳрум этди. Шу билан бирга, спортчининг 2009 — 2013 йилларда кўрсатган барча натижаси бекор қилинди. Сабаби, Домингеснинг биологик паспортидаги кўрсаткичлар белгиланган меъёрларга тўғри келмаслиги исботланди. Бу ҳақда суд расмий сайтида хабар берилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2015 йил 13 февралдаги 1-1866/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Моний 1-тор кўчаси, 25-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 80,85 кв.м., тураржой майдони 53,55 кв.м.дан иборат бўлган уй-жой (ҳовли).

***Бошланғич баҳоси — 421 832 992 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2015 йил 9 июлдаги Х-13/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Жарқўрғон кўчаси, 66-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 73,37 кв.м., тураржой майдони 66,97 кв.м.дан иборат бўлган уй-жой (ҳовли).

***Бошланғич баҳоси — 225 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 24 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 6 мартдаги 1-42/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ц-4 мавзеси, 11-«Б» уйда жойлашган, умумий майдони 144,19 кв.м. бўлган тўққиз қаватли бинонинг тўртинчи қаватидаги 33-хонадон (тураржой) такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 717 871 500 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2015 йил 10 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1733R/6

Хизматлар лицензияланган.

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ аукцион савдоларига таклиф этади.

**2015 йил 11 декабрь куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 24 августдаги 10-1521/14068-сонли ижро варақасига асосан, Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Бордонкўл» ҚФЙ, Болта қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 671,41 кв.м., ҳовли майдони 1868,03 кв.м., жами участканинг майдони 2544,10 кв.м., 7 та литер ҳамда ускуналардан иборат бўлган АЁҚШ.

***Бошланғич баҳоси — 916 500 000 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2012 йил 19 ноябрдаги 11-1227/13778-сонли ижро варақасига асосан, Чиноз тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Гулзородо маҳалласида жойлашган, қурилиш майдони 2629,8 кв.м. ҳамда 1981 йилда ишлаб чиқарилган кўприксимон кран (мостовой кран) бўлган устахона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 573 623 000 сўм.***

Аукцион савдосига чиқарилган кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловни амалга ошириши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InFinBank»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси;
— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
— закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;
— хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

***Диққат!***

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 7 ноябрдаги 216-сонида берилган эълондаги Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чимён» ҚФЙда жойлашган, ер майдони 881,0 кв.м., қурилиш ости майдони 295,5 кв.м.дан иборат бўлган дала-ҳовлининг бошланғич баҳоси «406 208 395 сўм» ўрнига «434 408 394 сўм», савдо санаси «2015 йил 24 ноябрь» ўрнига «2015 йил 11 декабрда бўлиб ўтади», деб ўқилсин.

**Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz www.realtors.uz**

1732A/465

Хизматлар лицензияланган.

«Universal auktsion invest» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 10 декабрь куни соат 15.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 14 сентябрдаги 19301/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 8-сонли автосарой майдончасида сақланаётган:

* 1994 йилда ишлаб чиқарилган, «Mazda» русумли (эвакуатор), давлат рақами 10 ВА 943.

***Бошланғич баҳоси — 13 548 056,7 сўм.***

* 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «Toyota» русумли (эвакуатор), давлат рақами 10 ВА 942.

***Бошланғич баҳоси — 18 987 754,5 сўм.***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 17 июлдаги 18268/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 8-сонли автосарой майдончасида сақланаётган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «Mazda Т2600» русумли (эвакуатор), давлат рақами 10 ВА 939, носоз.

***Бошланғич баҳоси — 11 189 340 сўм.***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 18 августдаги 17032/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

* 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-5433» русумли (юк ташувчи), давлат рақами 10 AR 477, носоз.

***Бошланғич баҳоси — 7 639 523,63 сўм.***

* 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-9380» русумли (юк ташувчи), давлат рақами 10 С 133, носоз.

***Бошланғич баҳоси — 1 723 859,01 сўм.***

* 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-9380» русумли (юк ташувчи), давлат рақами 10 В 152, носоз.

***Бошланғич баҳоси — 1 723 859,01 сўм.***

* 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «Москвич-2141» русумли, давлат рақами 10 AL 136, носоз.

***Бошланғич баҳоси — 766 837,53 сўм.***

* 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «Москвич-412» русумли, давлат рақами 10 AG 173, носоз.

***Бошланғич баҳоси— 782 229,96 сўм.***

ФИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани судининг 2015 йил 23 мартдаги 1-1589/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Феруза мавзесида жойлашган, «Feruza Barakat Servis» МЧЖ майдончасида сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 01 510 ТТС ва 01 615 ТТС, ***ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 18 892 454 сўм.***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 26 августдаги 10-1416/11996-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юнусобод тумани, 17-квартал, 8-сонли автосарой майдончасида сақланаётган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли автотранспорт воситаси, сут рангли, давлат рақами 01 447 РВА.

***Бошланғич баҳоси — 17 923 378,68 сўм.***

2015 йил 25 декабрь куни соат 15.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яккасарой тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 25 августдаги 10-1520/14231-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 2014 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Cobalt» русумли, тўқ кулранг тусли (мокрый асфальт), давлат рақами 01 668 BDA.

***Бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм.***

* 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Lacetti» русумли, оқ рангли, давлат рақами 01 638 BDA.

***Бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин соат 15.30 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банки Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

1728R/33

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 236-74-67.**

**Гувоҳнома № 004059.**

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яккасарой тумани СИБ томонидан 2015 йил 10 сентябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чорбоғ 2-тор кўчасида жойлашган, ер майдони 3266,0 кв.м., қурилиш ости майдони 859,0 кв.м.дан иборат бўлган 1 қаватли бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 399 387 600 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 28 декабрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

1739A/24

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

«Capital realtor group» МЧЖда 2015 йил 22 декабрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2012 йил 12 ноябрдаги 10-1218/19834-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Юксалиш кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 780 кв.м. бўлган 2 қаватли дўкон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 802 694 000 сўм.***

**2015 йил 29 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

● Юнусобод тумани СИБ томонидан 2014 йил 3 ноябрдаги С-3-Ю-1-11-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мактаб (собиқ Бекматов) кўчаси, 48-уйда жойлашган, умумий майдони 511 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш биноси.

***Бошланғич баҳоси — 651 276 000 сўм.***

● Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2015 йил 21 сентябрдаги 1-79/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Юзработ кўчаси, 30-«А» уй, 11-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 56,64 кв.м., тураржой майдони 37,81 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 194 984 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.**

1737A/34

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Моддий-техника таъминоти бўлими бошлиғи Қобулжон Куроловга падари бузруквори

**Қулмон ҚУРОЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Фармакология ва клиник фармация кафедраси профессори

**Ҳабибулло Убайдуллаевич АЛИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Акциядорлик тижорат банки "Қишлоқ қурилиш банк" жамоаси банк марказий идораси бошқарма бошлиғи Отабек Хушвақовга падари бузруквори

**ҲАСАН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси институт тарихи музейи директори, техника фанлари номзоди, доцент

**Эркин Мажидович АБДУЛ-РАЗЗАКОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# Бебаҳо илмий мерос

## замонавий тиббиёт ривожида алоҳида ўрин тутмоқда

Бухорода “Ибн Сино илмий мероси ва замонавий тиббиётнинг долзарб муаммолари” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Мамлакатимиз ҳамда бир қатор давлатларнинг етакчи олимлари, соҳа мутахассислари, шифокорлар, ёш тадқиқотчилар ва талабалар қатнашган мазкур тадбир Ибн Сино жамоат фонди, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

**ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ**

Анжуман аввалида иштирокчилар буюк аллома таваллуд топган Афшона қишлоғида бўлиб, унинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар. Бу ердаги Абу Али ибн Сино музейи экспонатлари билан танишув йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Маълумки, мустақиллик йилларида юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Натижада ушбу йўналишда янги олий ўқув юртлари ва коллежлар барпо этилди. Ихтисослаштирилган тиббий илмий-амалий марказлар ташкил қилинди. Соҳа моддий-техника базаси мустаҳкамлаб борилаётир. Замонавий тиббиётнинг илмий ҳамда амалий йўналишлари равнақида эса буюк алломаларимиз ва мутафаккирларимиз илмий меросларининг аҳамияти беқиёс.

— Президентимиз ташаббуси билан 2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуида ўтказилган халқаро анжуманда элликка яқин давлатлардан таниқли олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, профессорлар, экспертлар қатнашган эди, — дейди Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси Ш. Зокирхўжаев. — Ўша тадбирда буюк аждодларимизнинг асарларини чуқур ўрганиш, англаш, улар таълимотининг дунё тамаддуни тарихидаги ролига баҳо бериш муҳимлиги алоҳида таъкидланганди. Бухорода ўтган VIII Халқаро Ибн Сино ўқишлари шу нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, жаҳонда улуғ алломаларимиз сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш доимо юқори бўлган. Биргина Абу Али ибн Синонинг ўзи умри давомида 450 дан ортиқ асар яратгани маълум. Уларнинг 242 таси бизгача етиб келган. Табобат ва тиббиёт, фалсафа, мантиқ, астрономия, кимё, этика, адабиётшунослик, психология каби фанларга оид бу асарлар жаҳон илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган ва ҳозирги пайтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

— Ибн Сино қолдирган бебаҳо мерос дунёнинг кўплаб давлатлари қаторида бизнинг мамлакатимизда ҳам чуқур ўрганилиб, тадқиқот ишлари олиб борилаяпти, — дейди Франция тиббиёт академияси фахрий бош котиби Раймонд Акдаилу. — Аллома ана шундай эътибор ва эътирофга муносибдир. Зеро, унинг “Тиб қонунлари” деб аталган бебаҳо фундаментал асари кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб берган. Бу асар билан амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усулларига асос солинган. Мазкур асар Европада XV асрда чоп этилган дастлабки китоблардан бири эди ва у салкам 600 йил давомида кўҳна қитъанинг етакчи университетларида тиббиёт илмидан ўқув қўлланмаси вазифасини ўтаган.

— Ибн Сино дунё тамаддунига бениҳоя катта ҳисса қўшган қомусий олимдир, — дейди Ҳиндистондаги Ибн Сино академияси президенти, профессор Саид Зуллур Рехман. — Айтиш жоизки, замонавий ҳинд тиббиёти Марказий Осиё ва араб давлатлари тиббиётидан жуда кўп нарсани ижодий ўрганган. Бу тизим негизида Ибн Синонинг умумбашарий таълимоти ётибди. Биз ушбу бой илмий меросни чуқур ўрганиб, уни тарғиб-ташвиқ этаяпмиз.

Анжуманда мамлакатимиз олимларидан ташқари, Швейцария, Франция, Ҳиндистон каби қатор давлатлардан келган мутахассислар томонидан Ибн Сино мероси ва замонавий тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишланган маърузалар ўқилди, маҳорат сабоқлари, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Икки кун давом этган тадбир якунида қомусий олим таълимотини чуқур ўрганиш ва ундан замонавий тиббиёт муаммоларини ҳал этишда фойдаланиш борасида хорижий мутахассислар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


РЕКЛАМА






ASAKA BANK

*Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини юксалтиришда молия муассасалари иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, корхоналарнинг инвестициявий салоҳиятини ошириш, аҳолига кўрсатилаётган молиявий хизматлар сифатини янада яхшилаш, уларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш каби долзарб вазифалар ижросида тижорат банклари муҳим ўрин тутаяпти. Бунинг амалий ифодаси эса юртдошларимиз турмуш фаровонлиги йилдан-йилга ортиб, бозорларимиз турфа маҳсулотлар, сархил ноз-неъматлар билан тўкин бўлиб бораётганида ҳам кўзга яққол ташланади.*



# ТАДБИРКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Чунончи, “Асака” акциядорлик тижорат банки хусусий сектор вакилларининг яқин кўмакчиси саналади, десак, муболаға бўлмайди. Негаки, ушбу молия муассасаси сармоялари ҳисобига ўз бизнесини йўлга қўйиб, ҳам оиласи, ҳам эл-юртга наф келтираётган тадбиркорлар сафи кенг. Муҳими, банк кредитлари жойларда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларини изчил ривожлантириш, истеъмолчиларнинг импорт ўрнини босувчи товарларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш ҳамда янги-янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётганидан аҳоли ҳам мамнун.

“Асака” банкининг Қорақалпоғистон филиали фаолияти билан яқиндан танишиб, бунга яна бир бор амин бўлиш мумкин. Мазкур муассаса пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиёти каби қатор молиявий хизматлари билан мижозлар ишончини қозонмоқда. Бинобарин, аҳоли ҳамда юридик шахслардан жалб этилаётган маблағлар иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилиб, омонатчилар ва акциядорлар манфаатларига мос равишда кўпайтириб борилаётир. Бунда “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили асосида иш юритилаётгани муваффақиятлар омили бўлаяпти.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити кичик бизнес ривожига кенг йўл очаётир. Натижада соҳа вакиллари давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, ўз фаолиятини муттасил кенгайтириб боришаяпти.

Оилавий бизнес ҳам хусусий секторнинг истиқболли йўналишларидан бири. Бугун мазкур тармоқда меҳнат қилаётган юртдошларимиз хонадонларидаги эзгу ташаббус самараларидан бутун мамлакат аҳли баҳраманд бўлмоқда. Шу боис тадбиркорликка қўл ураётган ишбилармонлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш молия муассасаларининг доимий эътиборида. Масалан, биргина “Асака” банкининг Қорақалпоғистон филиали жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадлари учун 55 млрд. сўмдан зиёд миқдорда кредитлар ажратди. Натижада жойларда кўплаб маҳаллий аҳоли вакиллари доимий даромад манбаига эга бўлди.

— Оилавий корхонамиз ташкил этилганидан буён “Асака” банки билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаяпмиз, — дейди Қонликўл туманидаги “Raya-Ziyada” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Руслан Сарсенбаев. — Хусусан, ушбу молия муассасаси кўмагида ўз бизнес-режамизни муваффақиятли амалга оширдик. Натижада хориждан замонавий дастгоҳлар келтирилиб, пайпоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Айни пайтда буюртмачиларимиз сафи кенгайиб бораяпти. Бунинг учун молиявий ҳамкоримиз бўлган банк мутасаддиларига миннатдорлик билдирамиз.

Ишбилармонлик доимий изланиш ва ташаббускорликни талаб этади. Шу йўсинда фаолият юритган тадбиркорлар эса асло ютқазмайди. Минтақадаги “Қўнғиротбой меҳри” фермер хўжалиги ҳам доимо янгиликка интилиш пайидан бўлиб, ютуқлари салмоғини кўпайтириб бораяпти.

— Жорий йил “Асака” банкининг Қорақалпоғистон филиалидан узоқ муддатли кредит олдик, — дейди хўжалик раҳбари Есен Айтмуратов. — Мазкур маблағ 50 бош наслдор қорамол харидига йўналтирилди. Бу, ўз навбатида, яна 10 кишини иш билан таъминлаш имконини берди. Ҳозир жамоамиз сафига келиб қўшилган ёшлар чорвачилик фаолиятимизни кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшишаяпти.

Айни пайтда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратлари кўплаб давлатларни танг аҳволга солиб қўяётгани ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай мураккаб бир вазиятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда узоқ йилларга мўлжалланган дастурлар, лойиҳалар ишлаб чиқилиб, тизимли равишда ҳаётга татбиқ этилаётгани қувонарли ҳолдир. Чунончи, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросига “Асака” банки жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилаяпти. Масалан, “Асака” банки филиали томонидан ўтган даврда ушбу муҳим ҳужжатларга мувофиқ, қарийб 4,4 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, рақобатдош озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш каби истиқболли лойиҳалар рўёбига йўналтирилди.

*Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, “Асака” банки Қорақалпоғистон филиали кредит қўйилмалари ҳажми 135,3 млрд. сўмни ташкил этди. Эътиборлиси, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 1,5 баробар юқори кўрсаткичдир. Қолаверса, ушбу сармояларнинг асосий қисми узоқ муддатли кредитлардан иборат эканлиги мижозлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.*

Элликқалъа туманидаги “Bo‘ston agrosanoat savdo” масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорлик тузилмаларидан биридир. Ушбу кичик бизнес субъектига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналар сотиб олиш учун банк томонидан имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит маблағлари берилди. Натижада бу ерда тежамкор ва иш унуми юқори технологиялар асосида йилига 25 минг тоннага яқин озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, мавжуд иш ўринлари сони 5 тага кўпайди. Бу ҳам банк кредитининг яна бир самарасидир.

Амударё туманидаги “Avto Kayip Mayshi” масъулияти чекланган жамияти эса молия муассасаси томонидан ажратилган имтиёзли сармоя ҳисобига хом ашё базасини мустаҳкамлаб олди. Пировардида бу ерда йилига 148 млн. сўм миқдорида трикотаж буюмлари тайёрлаш ўзлаштирилиб, илғор дастгоҳларни бошқариш учун қишлоқ ёшлари корхона жамоаси сафига қабул қилинди.

“Асака” банки сармоялари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожида ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу тармоққа молия муассасаси филиали томонидан 15,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Айтайлик, Нукус шаҳрида фаолият бошлаган “Indigo Trans” шуъба корхонасига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида берилган узоқ муддатли кредит “Isuzu” русумидаги замонавий автобуслар харидига йўналтирилди. Натижада ҳудудда янги йўналишлар бўйлаб қатновлар йўлга қўйилиб, 15 кишининг бандлиги таъминланди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини муносиб иш жойлари билан таъминлаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир. Мазкур жараёнда уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Ана шу талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, “Асака” банкининг Қорақалпоғистон филиали мутахассислари касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизларга турли танлов ҳамда анжуманлар якунларига кўра, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни топширмоқдалар.

Беруний туманидаги “Agrofirma Temur barakat” хусусий корхонаси раҳбари, ёш тадбиркор Тимур Рўзимов — ана шундай ёшлардан бири. У жорий йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган “BankExpo — 2015” миллий кўргазмасида иштирок этиб, якунда “Асака” банки томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлди. Кўп ўтмай, ишбилармон 5 нафар тенгдошини ёнига олиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга киришди. Ҳозир Тимур экспортни йўлга қўйиш чораларини кўраяпти.

Бугун мамлакатимизда ўз меҳнати, интилиши ва ташаббуси билан эътибор қозонаётган тадбиркор аёллар сафи тобора кенгайиб бораётир. Бу, албатта, жамиятда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий самарасидир. Мазкур жараёнда Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, банк филиали тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги опа-сингилларимизнинг 2,3 млрд. сўмлик истиқболли лойиҳаларини молиялаштирди.

— 2009 йилдан бери “Асака” банки мижозиман, — дейди тадбиркор Клара Худайбергенова. — Молия муассасасининг кўмагида бизнесимни йўлга қўйиб олдим. Ҳозир фаолиятимдан мамнунман. Даромадимиз интилишимизга яраша бўлаяпти. Келгусида ишимизни янада ривожлантиришни мақсад қилганмиз. Бунда яна яқин ҳамкоримиз — “Асака” банки кўмагига суянамиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Асака” банки Қорақалпоғистон филиали айни кунда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини кенгайтириш йўлида фаол иш олиб бормоқда. Бу эса унинг мамлакат молия бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаб, белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

**«Асака» банки материаллари асосида**
**Ф. БЎТАЕВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*



ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнининг босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди кўмагида ўтказилади.

**Танлов шартлари.**

Танловга 2015 йил 1 январдан 2015 йил 1 декабргача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини муҳофаза этишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо қилишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган ахборот-таҳлилий, публицистик ва фотоматериаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет-нашрларда эълон қилинган бўлиши лозим.

Мазкур материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет-нашри аниқ кўрсатилган электрон ҳамда босма нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар қайтарилмайди.

**Танлов ғолибларига мукофотлар.**

Ғолиблар диплом ва компьютер жамламаси, телевизор, планшет ҳамда бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

**Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзуидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2015 йил 4 декабргача қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона.**
**Тел./факс: (0-371) 244-14-28, 244-12-51.**
**www.mmf.uz e-mail: fonduz@umail.uz**

1727А/814

**Ташкилий қўмита.**



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 041 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 20.35 1 2 3 4 5